



Сув китоб  
тўплами

5 - китоб

# Сув тежашни қўллаб-қувватлаш





**Fermerlar  
Maktabi**

**edu.fermermaktabi.uz**  
**онлайн ўқув**  
**платформаси**



[edu.fermermaktab.uz](https://edu.fermermaktab.uz)



[fermerlarmaktabi](https://www.instagram.com/fermerlarmaktabi)



1319



[fermermaktab\\_uz](https://t.me/fermermaktab_uz)



Сув китоб тўплами

# Сув тежашни қўллаб-қувватлаш

5-китоб



Тошкент – 2025



*Сувга муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорликни  
ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

## **Ҳурматли фермерлар, сувчи ва мироблар!**

Бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи бутун дунёда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки экологик мувозанатни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ҳимоя қилиш ва келажак авлод учун сув захираларини асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан «Агробанк» АТБ томонидан мамлакатимизда сув хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида сув лойиҳалари маркази ташкил этилди. Шу билан бирга фермер ва сувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг хорижий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун «Сувчилар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилишни молиялаштириш мақсадида эса [suvkredit.uz](http://suvkredit.uz) шаффоф онлайн платформа шакллантирилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб аграр соҳада сувдан оқилона фойдаланишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олган ҳолда, деҳқон-фермерлару боғбонлар, томорқасида зироатчилик билан машғул бўлган фуқаролар, сув хўжалиги мутахассислари ва барча қизиққан шахслар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Унда замонавий суғориш технологиялари, сув тежаш усуллари, инновацион ёндашувлар ва халқаро тажрибалар тўғрисида ўта зарур маълумотлар ва тавсиялар жамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш фақат технологик ёндашув билангина чекланмай, балки инсоннинг онгли муносабатига ҳам боғлиқдир.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Сув текин эмас» деган ғояни чуқур англашимиз даркор. Зотан, сувни тежаш маданиятини шакллантириш, уни исроф қилмаслик ва ҳар бир томчини қадрлаш ҳаётимиз сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу китоб барча соҳибкорлар учун фойдали илмий ва амалий манба бўлиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишига аминмиз.

Давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган сув масаласи янада мураккаблашиб бораётган бугунги кунда бизнинг «Агробанк» АТБ жамоаси ҳам сизга кўмакдошдир

**Эркин Кахоров,  
«Агробанк» АТБ Бошқарув раиси**

## ЛОЙИҲА ҲОЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛАРИ:



OZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
SUVAHO'JALIGI VAZIRLIGI



**Agrobank**



**TIQXMMI**  
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

### Тузувчилар:

Ш.Р.Ҳамраев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим;

Р.Ж.Қаршиев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринбосари, тахника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим;

Ф.С.Қўзиев – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Замонавий суғориш агротехнологияларини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи.

### Тақризчи:

У.Норқулов – Тошкент давлат аграр университети “Деҳқончилик ва мелиорация” кафедраси профессор.

### Муҳаррир:

Т.Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Мазкур қўлланма “Агробанк” АТБ ташаббуси билан тайёрланди ҳамда нашр этирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсиялар учун тузувчи муаллифлар масъулдир.

Сув хўжалигини илмий қўллаб-қувватлаш ҳамда сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳалар доирасида 30 та қўлланмадан иборат «Суви китоб» тўплами тайёрланди. Ушбу тўпламда қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялар ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизимлари ва бошқа инновацион ечимлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли маълумотлар жамланган. Шунингдек, замонавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар мисолида суви ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

«Суви китоб» тўплами қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий ишланмалар, амалий тадқиқотлар ҳамда инновацияларга оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Зеро, суви – бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир томчисини асраш келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир.

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                                                       |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                                     | <b>6</b>  |
| <b>1. СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ .....</b>                                                                                                    | <b>10</b> |
| <b>2. СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ<br/>ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ<br/>ТАРТИБИ .....</b>                                 | <b>13</b> |
| 2.1. Сув тежовчи суғориш технологиялар жорий қилинган<br>майдонларга субсидия ажратиш тартиби .....                                                   | 20        |
| 2.2. Экин ерларни лазерли ускуна билан жиҳозланган агрегатлар<br>орқали текислаш тартиби ва унинг давлат томонидан қўллаб-<br>қувватлаш тартиби ..... | 38        |
| 2.3. Сув тежовчи технологияларни молиялаштиришнинг<br>рақамлаштирилган механизми.....                                                                 | 45        |
| <b>3. “SUVKREDIT.UZ” ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ КРЕДИТ<br/>ОЛИШ ТАРТИБИ .....</b>                                                                      | <b>47</b> |
| <b>ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР .....</b>                                                                                                                      | <b>51</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                          | <b>53</b> |

## КИРИШ

---

Сўнги йилларда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурсларининг тақчиллиги кузатилмоқда.

Марказий Осиёда сўнги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача сув ресурсларининг камайиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд м<sup>3</sup>, 2050 йилга бориб эса 15 млрд м<sup>3</sup> ташкил қилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 4,3 млн гектар суғориладиган ер майдонларидан аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинмоқда. Бунинг учун республикаимизда йиллик фойдаланиладиган сув ресурсларининг қарийб 85–90 фоизи аграр соҳага йўналтирилмоқда.

Бу эса ўз навбатида кузатилаётган сув тақчиллиги шароитида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун сув тежовчи технологияларни кенг тадбиқ қилишни талаб қилади.

Шу сабабли, 2019 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Натижада экинларни суғоришда ушбу технологияларни жорий қилган кластерлар, фермер ва деҳқон

хўжаликларига субсидиялар ажратиш ва бошқа преференсияларни қўллаш тизими йўлга қўйилди.

Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларини 35–60 фоизгача иқтисод қилиниши билан бир қаторда ҳосилдорликни 30–40 фоизга ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари табиий иқлим ва географик омилларга кўра чекланган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш мамлакат барқарор ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида сув ресурслари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу стратегия доирасида қуйидаги устувор вазифалар белгилаб ўтилган:

### **1. Республикада сувдан оқилонга фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш.**

- Сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш;

- Тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ҳамда ички суғориш тармоқларининг ёпиқ қувурли суғориш тизимларига ўтказиш бўйича етти йиллик дастур доирасида ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффиценти кўрсаткичини 0,73 гача етказиш;

- Республиканинг узоқ муддатга мўлжалланган сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимини жорий қилиш;

- Сувни қайта ишлаш, етказиш ва тақсимлаш тизимига хусусий секторни жалб этиш, далааларга сув етказадиган объектларни тадбиркорлар (фермер хўжаликлари ва кластерлар) бошқарувига бериш;

- Қўшни давлатлар билан сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, трансчегаравий сув ресурслари ва давлатлараро сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида фаол икки тарафлама манфаатли ҳамкорликни давом эттириш;

- Сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш;

- Барча ичимлик сув истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатишни таъминлаш;

- Ичимлик сув сифати, ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси, сув таъминоти ва канализация корхоналари самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш.

## **2. Қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш.**

- 18,7 минг км ёки 66 фоизи тупроқ ўзанли бўлган магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг бетон қопламали улушини 13,1 минг кмга ёки 46 фоизга етказиш;

- Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида суғориладиган ер майдонларида шўрланган майдонларни 1,7 миллион гектаргача камайтириш;

- Ирригация тизимини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улушини 46 фоизгача ёки 13,2 минг километрга ошириш;

- Кучли ва ўрта шўрланган суғориладиган ер майдонларини 430,0 минг гектаргача, ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда бўлган ер майдонларини 773,4 минг гектаргача камайтириш.

## **3. Ирригация тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳа бошқарувига хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш.**

- Камида 100 та йирик сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш;

- Туямўйин сув омбори ҳажмини қўшимча 1 миллиард куб метрга кенгайтириб, 1,2 миллион гектарда сув таъминотини яхшилаш ва ичимлик сув захирасини яратиш;

- Ирригация соҳасига хусусий секторни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий қилиш ҳисобига хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш.

#### **4. “Яшил энергия” технологияларини кенг жорий қилиш доирасида насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш.**

- Насос станцияларидаги эскирган 1 069 та насос ва 1 079 та электродвигателларни энергия тежамкорларига алмаштириш;

- Энергия тежамкор қурилмалар ўрнатиш, насос станцияларини модернизация қилиш, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 30 фоизга камайтириш;

- Электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш ҳисобидан насос станцияларини муқобил энергияга ўтказиш.

## 1. СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

---

Сув тежовчи замонавий суғориш технологиялари таркибига томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет суғориш тизимлари киради.

**Томчилатиб суғориш тизими** – бу қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ўсимлик илдизига унинг эҳтиёжига мос миқдордаги сувни етказиб берадиган суғориш усулидир.



**Ёмғирлатиб суғориш технологияси** – қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ ва ўсимликлар сатҳи устига имкон борича табиий ёмғирлатишни имитация қилиш орқали сув етказиб берадиган усул ҳисобланади.



Қишлоқ хўжалиги экинларини ёмғирлатиб суғоришда унинг **стационар** (қўзғалмас спринклерлар орқали), **мобил** (кўчма ва ярим кўчма барабанли) ҳамда **кенг қамровли** турларидан фойдаланилади.



**Кенг қамровли** – ёмғирлатиб суғориш тизимининг икки хил тури, яъни ўз ўқи атрофида айланадиган (center pivot) ва тўғрига ҳаракатланувчи (frontal pivot) тури мавжуд.

**Дискрет суғориш тизими** – экин майдонига сувни ёпиқ қувурлар орқали маълум бир босимда етказиб бериш ва экинларни эгилувчан қувурлар ёрдамида танаффуслар билан берган ҳолда суғориш ҳисобланади.



## 2. СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИ

---

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларидан **беш йил** фойдаланиш шarti билан давлат томонидан қуйидаги имтиёзлар қўлланилади.

- давлат бюджетидан **субсидия маблағлари ажратилади**;

- сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган даврдан бошлаб **5 йил ер солиғидан озод қилинади**;

- сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган ер майдонлари камида **5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди**, ер участкаси ёки унинг бир қисмидан фойдаланувчи шахс розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

- сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишда сув ўлчаш ускуналари ўрнатилса, сув солиғини ҳисоблашда **30 фоиз имтиёз қўлланилади**.

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидия маблағлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир контурга жорий қилинган технологиянинг ҳар бир тури ҳамда суғориладиган экинларнинг **бир тури учун фақат бир марта ажратилади**.

Куйидаги 1-жадвалда сув тежовчи технологиялар жорий этилган экин майдонининг ҳар бир гектари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ажратиладиган субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдорлари келтирилган.

1-жадвал

**Сув тежовчи технологиялар жорий этилган экин майдонлари бўйича субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдорлари (1 гектар экин майдони учун)**

млн сўм

| Сув тежовчи суғориш тизимининг турлари | Пахта | Донли экинлар | Сабзаёт экинлари ва картошка | Полиз экинлари | Озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар | Мевали экинлар | Узум | Шоли |
|----------------------------------------|-------|---------------|------------------------------|----------------|---------------------------------------------------------|----------------|------|------|
| Томчилатиб суғориш                     | 8     | х             | 8                            | 1 300          | 8                                                       | 6              | 8    |      |
| Кенг қамровли ва мобил суғориш тизими  |       | 8             | 8                            |                | 8                                                       |                |      | 8    |
| “Спринклер” тизими                     |       | 8             | 8                            |                | 8                                                       |                |      | 8    |
| Дискретли суғориш                      | 4     |               |                              |                |                                                         |                |      |      |

Бунда субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдорлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги пахта майдонларида жорий этилган томчилатиб суғориш тизимлари учун 12 млн сўм ва донли экинлар майдонларида жорий этилган кенг қамровли ҳамда “спринклер” тизимлари учун 9 млн сўм ҳисобланади;

Шоли етиштиришда жорий қилинган кенг қамровли ва мобил

суғориш ҳамда “Спринклер” тизими учун белгиланган субсидиялар фақат Хоразм вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилади.

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиянинг миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Томчилатиб суғориш тизимларининг сифат даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган коэффициентлар куйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Томчилатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини  
баҳолаш коэффициентлари**

| Т/р  | Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари                                                   | Кўрсаткич |
|------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 1.   | Ҳовуз-тиндиргич                                                                                      | *         |
| 1.1. | бетон ёки темир-бетон қопламали                                                                      | 0,15      |
| 1.2. | геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)                                                        | 0,1       |
| 1.3. | бир мавсумли плёнка билан қопланган                                                                  | 0,05      |
| 1.4. | тупроқ ўзанли (қопламасиз)                                                                           | 0,02      |
| 2.   | Насос станцияси                                                                                      | 0,15      |
| 3.   | Фильтрлаш қурилмаси                                                                                  | *         |
| 3.1. | гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, диски ёки сеткали фильтр ва ўғит бериш мосламаси | 0,35      |

|      |                                                                                           |      |
|------|-------------------------------------------------------------------------------------------|------|
| 3.2. | дискли ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли филтър ва ўғит бериш мосламаси    | 0,25 |
| 3.3. | гидроциклонли, дискли ёки сеткали филтър ва ўғит бериш мосламаси                          | 0,15 |
| 4.   | Бош (магистрал) қувурлар                                                                  | *    |
| 4.1. | қалин деворли (қалинлиги >5,3 мм ёки босимга чидамлилиги >6,0 атмосфера)                  | 0,3  |
| 4.2. | ўртача қалин деворли (қалинлиги 3,4 — 5,2 мм ёки босимга чидамлилиги 4,0 — 5,9 атмосфера) | 0,25 |
| 4.3. | юпқа деворли (қалинлиги 2,7 — 3,3 мм гача ёки босимга чидамлилиги 2,5 — 3,9 атмосфера)    | 0,2  |
| 5.   | Тарқатувчи қувурлар (мева экинлар ва узумдан ташқари)                                     | *    |
| 5.1. | қалин деворли (қалинлиги >2,7 мм ёки босимга чидамлилиги >2,4 атмосфера)                  | 0,3  |
| 5.2. | ўртача қалин деворли (қалинлиги 1,4 — 2,6 мм ёки босимга чидамлилиги 1,9 — 2,4 атмосфера) | 0,25 |
| 5.3. | юпқа деворли (қалинлиги 0,75 — 1,3 мм ёки босимга чидамлилиги 1,2 — 1,8 атмосфера)        | 0,2  |
| 6.   | Тарқатувчи қувурлар (мева экинлар ва узум учун)                                           | *    |
| 6.1. | қалин деворли (қалинлиги $\geq 3,1$ мм)                                                   | 0,25 |
| 6.2. | ўртача қалин деворли (қалинлиги 2,8 — 3,1 мм)                                             | 0,2  |
| 6.3. | юпқа деворли (қалинлиги 0,75 — 2,7 мм)                                                    | 0,15 |
| 7.   | Томизғичли суғориш шланглари (мева экинлар ва узумдан ташқари)                            | *    |

|      |                                                            |      |
|------|------------------------------------------------------------|------|
| 7.1. | қалин деворли (қалинлиги $\geq 0,3$ мм)                    | 0,4  |
| 7.2. | ўртача қалин деворли (қалинлиги 0,15 – 0,29 мм)            | 0,35 |
| 7.3. | юпқа деворли (қалинлиги $\leq 0,14$ мм)                    | 0,3  |
| 7.4. | тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар                 | 0,5  |
| 8.   | Томизғичли суғориш шланглари (мевали экинлар ва узум учун) | *    |
| 8.1. | қалин деворли (қалинлиги $> 0,7$ мм)                       | 0,4  |
| 8.2. | ўрта деворли (қалинлиги 0,3 – 0,7 мм)                      | 0,35 |
| 8.3. | юпқа деворли (қалинлиги $< 0,3$ мм)                        | 0,3  |
| 9.   | Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви                     | 0,15 |
| 10.  | Томизғичли шланг тарқатувчи ва йиғиштирувчи ускуна         | 0,05 |
| 11.  | Сув ҳисоблагич                                             | 0,1  |
| ЖАМИ |                                                            | **   |

Бунда:

\* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

\*\* мевали экинлар ва узумдан ташқари экин турлари учун: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 9, 10, 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади;  
мевали экинлар ва узум учун: 1, 2, 3, 4, 6, 8, 9, 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшилиб акс эттирилади.

Ёмғирлатиб суғориш тизимларининг сифат даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган коэффициентлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

**Ёмғирлатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини  
баҳолаш коэффициентлари**

| Т/р  | Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари                                                   | Кўрсаткич |
|------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 1.   | Ҳовуз-тиндиргич                                                                                      | *         |
| 1.1. | бетон ёки темир-бетон қопламали                                                                      | 0,15      |
| 1.2. | геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)                                                        | 0,1       |
| 1.3. | бир мавсумли плёнка билан қопланган                                                                  | 0,05      |
| 1.4. | тупроқ ўзани                                                                                         | 0,02      |
| 2.   | Насос станцияси                                                                                      | 0,15      |
| 3.   | Филтрлаш қурилмаси                                                                                   | *         |
| 3.1. | гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси | 0,35      |
| 3.2. | дискли ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли филтр ва ўғит бериш мосламаси                | 0,25      |
| 3.3. | гидроциклонли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси                                      | 0,15      |
| 4.   | Сув тарқатувчи тизимлар                                                                              | *         |
| 4.1. | кенг қамровли суғориш тизими                                                                         | 0,8       |
| 4.2. | “спринклер” тизими                                                                                   | 0,8       |
| 4.3. | мобиль суғориш тизими                                                                                | 0,7       |
| 5.   | Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви                                                               | 0,15      |

|      |                |     |
|------|----------------|-----|
| 6.   | Сув ҳисоблагич | 0,1 |
| ЖАМИ |                | **  |

Бунда:

\* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

\*\* 1, 2, 3, 4, 5, 6 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади.

Дискретли суғориш тизимларининг сифат даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган коэффицентлар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Дискретли суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини баҳолаш коэффицентлари**

| Т/р  | Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари | Кўрсаткич |
|------|----------------------------------------------------|-----------|
| 1.   | Насос станцияси                                    | 0,2       |
| 2.   | Бош (магистрал) қувурлар                           | *         |
| 2.1. | қалин деворли ( $\geq 2$ мм) бир қаватли           | 0,35      |
| 2.2. | қалин деворли ( $\geq 2$ мм) икки қаватли          | 0,5       |
| 2.3. | ўртача қалин деворли (1-2 мм) бир қаватли          | 0,3       |
| 2.4. | ўртача қалин деворли (1-2 мм) икки қаватли         | 0,45      |
| 2.5. | юпқа деворли ( $\leq 1$ мм) бир қаватли            | 0,25      |
| 2.6. | юпқа деворли ( $\leq 1$ мм) икки қаватли           | 0,4       |
| 3.   | Тарқатувчи қувурлар                                | *         |
| 3.1. | қалин деворли ( $\geq 0,3$ мм)                     | 0,5       |

|      |                                        |      |
|------|----------------------------------------|------|
| 3.2. | юпқа деворли (<0,3 мм)                 | 0,45 |
| 4.   | Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви | 0,15 |
| 5.   | Сув ҳисоблагич                         | 0,1  |
| ЖАМИ |                                        | **   |

Бунда:

\* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

\*\* 1, 2, 3, 4, 5 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади.

## 2.1. Сув тежовчи суғориш технологиялар жорий қилинган майдонларга субсидия ажратиш тартиби

**Субсидия** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш мақсадида ажратиладиган маблағдир.

Сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар учун давлат бюджетидан субсидия маблағлари қишлоқ хўжалиги экин турларидан келиб чиқиб, туман ишчи гуруҳи томонидан расмийлаштирилган ҳолда қуйидаги ваколатли органлар томонидан ажратилади.


Сув хўжалиги вазирлиги – **пахта** майдонларида жорий қилинган **томчилатиб ва дискрет** суғориш технологиялари учун;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – **донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли ва дуккакли экинлар, доривор ўсимликлар** ҳамда **шоли** майдонларида жорий қилинган сув тежовчи (томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет) суғориш технологиялари учун;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги – интенсив **мевали боғ ва узумзорларда**

жорий қилинган **томчилатиб суғориш** технологияси, шунингдек, **10 гектардан** кам бўлмаган интенсив **мевали боғ ва узумзорларни** суғориш учун ер ости тик қудуқларни бурғулашга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига экинларни суғоришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар “Агросубсидия” ахборот тизими (<https://agrosubsidiya.uz/>) орқали ажратилади.



“Агросубсидия” ахборот тизимида фойдаланувчилар учун қуйидаги афзалликлар яратилган:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан аризаларни онлайн топшириш учун ягона ва қулай восита;
- ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш учун қулай платформа;
- юқори турувчи ташкилотлар учун ягона ва қулай статистик маълумотлар манбаи ҳамда мониторинг қилиш воситаси;

- манзилли рўйхатга кириш учун аризани туман ишчи гуруҳига электрон тарзда юбориш;

- шахсий кабинетингиз ёки тизимда юборилган ариза рақами (идентификация рақами) орқали аризангиз ҳолатини кузатиб бориш;

- субсидия ажратиш учун аризани электрон тарзда юбориш;

- шахсий кабинетингиз орқали субсидия ўтказиб берилиш жараёнларини мониторинг қилиш;

- ҳар бир юборилган аризани кўриб чиқилиши ҳақидаги хабарнома рўйхатдан ўтиш жараёнида кўрсатилган мобил телефон рақамига юборилади;

- аризалар ишчи гуруҳлар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган тақдирда масъул ташкилотларга электрон тарзда эътироз юбориш;

- аризадаги маълумотларнинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш.

“Агросубсидия” ахборот тизимида талабгорлар аризаларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, ишчи гуруҳлар хулосалари ва талабгорлар аризалари шакллари электрон шаклда расмийлаштириш ва қоғоз кўринишида ҳужжат алмашинувини бекор қилиш, субсидия ажратиш жараёнларини мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тақдим этилаётган субсидиялар тўғрисида очиқ ва шаффоф статистик маълумотларни шакллантириш имконияти яратилган.

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун **“Агросубсидия”** ахборот тизими орқали қуйидаги йўналишлар бўйича субсидия ажратиш учун мурожаат йўлланилиши мумкин:

- пахта хом ашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

- донлиэкинлар, сабзавотэкинлари ва картошка, полизэкинлари, озуқабоп, мойли ва дуккакли экинлар ҳамда доривор ўсимликларни

етиштиришда сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

- янги интенсив боғ ва тоқзорларда сув тежовчи технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

- сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган 10 гектардан кам бўлмаган интенсив мевали боғ ва узумзорларни суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш.

Сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш ишларини бажариш харажатлари учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар бир контурга жорий қилинган технология ва суғориладиган экинларнинг ҳар бир тури учун фақат бир марта ажратилади.

Сув тежовчи суғориш технологияларини кредит маблағлари ҳисобидан жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар давлат бюджетидан субсидия маблағлари ажратилиши учун “Агросубсидия” ахборот тизимида рўйхатдан ўтиб, туман ишчи гуруҳига шахсий кабинети орқали ариза юборади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- қурувчи пудрат ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона билан расмийлаштирилган шартнома;

- лойиҳа-смета ҳужжатлари;

- қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги тўғрисида далолатнома.

Агар сув тежовчи суғориш технологияларини кластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларининг ўз маблағлари ҳисобидан жорий қилинган бўлса, у ҳолда аризага қуйидагилар:

- ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ (тўлов варағи, харид чеки ва бошқ.) ҳужжатлар;

- лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Туман ишчи гуруҳи томонидан субсидия ажратиш бўйича тегишли ҳужжатларни шакллантиришда бошқа ҳужжатларни талаб этилишига амалдаги қонунчиликка асосан йўл қўйилмайди.

Туман ишчи гуруҳи “Агросубсидия” ахборот тизими орқали келган аризаларни **ўн иш кuni мобайнида** жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларининг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади;

технология сифатли қурилган, тўлиқ ишлаган бўлса ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли хулоса расмийлаштиради.

Ўрганиш натижаларига кўра сув тежовчи суғориш технологиялари талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки бошқа камчиликлар аниқланганда, аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса беришни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилади ҳамда “Агросубсидия” ахборот тизими орқали талабгорларга маълум қилади.


Талабгорлар туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда суд органларига шикоят қилиши ёки келтириб ўтилган камчиликларни бартараф этиб, қайтадан ариза бериши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи томонидан субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилгандан сўнг, ушбу хулосалар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилади ва белгиланган тартибда субсидия маблағлари ажратиб берилади.

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилган кластер корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларига ажратилган субсидия маблағлари уларнинг тижорат банкидаги махсус ҳисоб рақамига келиб тушади ва биринчи навбатда олинган кредит маблағларини сўндиришга йўналтирилади.

Агар сув тежовчи суғориш технологиялари кластер корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларининг ўз маблағлари ҳисобидан жорий қилинган бўлса, бунда ажратилган субсидия маблағларини тижорат банкларидаги асосий ҳисоб-рақам орқали бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга давлат бюджети ҳисобидан субсидия ажратиш тизими Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида жойлашган “Жума Хаитов” фермер хўжалиги мисолида кўриб чиқилади.



AGRO SUBSIDIYA

АРИЗА ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ ТИЗИМГА КИРИШ УЗ

ПЛАТФОРМА ҲАҚИДА ЭНГИЛИКЛАР МЕЪЕРИЙ ҲУҶЖАТЛАР ВИДЕОҚўЛЛАНМА ҚўП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР БОҒЛАНИШ

Бош саҳифа / Сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш

Барча хизматлар Манзилли рўйхат Субсидия

Сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш

Сувориш ишлари ва насос станцияларини қўриш

Дўккачи экинлар Техник экинлар Мойли экинлар

Сабаавот, қўқатлар Полиз экинлари Картошка

ПЛАТФОРМА ҲАҚИДА ЭНГИЛИКЛАР МЕЪЕРИЙ ҲУҶЖАТЛАР ВИДЕОҚўЛЛАНМА ҚўП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР БОҒЛАНИШ

Нотим раёв / Сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш / Техник экинлар

Ташкилот

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ-хўжалиги вазирлиги

Боғланиш

Хизматдан фойдаланувчилар

Хизмат кўрсатиш муддатлари

Ҳужумат асоси

Қоронгли ҳужжатлар

Хизматдан фойдаланиш

“Жума Хаитов” фермер хўжалиги 2025 йилда интенсив технология асосида пахта етиштириш учун 50 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини “Агробанк” АТБнинг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига жорий қилган.

Бунда томчилатиб суғориш технологиясининг таркибий қисмлари қуйидагилардан ташкил топган:

- геомембрана қопламали сув тиндиргич ҳовуз;
- насос агрегати;
- гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, диски фильтр ва ўғит бериш мосламаси;
- қалин деворли (қалинлиги 6 мм дан катта) бош магистрал қувурлар;
- ўртача қалин деворли (қалинлиги 2,5 мм) тарқатувчи қувурлар;
- юпқа деворли (қалинлиги 0,12 мм) томизғичли шланг;
- сув ҳисоблагич.

Ушбу фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологиясининг магистрал қувурлари тўлиқ ер остидан монтаж қилинган бўлиб, ҳар бир суғориш контури учун гидрант чиқарилган ва ушбу гидрантларга тарқатувчи қувурлар, шунингдек, тарқатувчи қувурларга томизғичли шланглар монтаж қилинган. Тарқатувчи қувурлардаги сув босимини назорат қилиш учун ҳар бир гидрантдан сув чиқиш жойига манометрлар ўрнатилган.


“Жума Хаитов” фермер хўжалиги томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидия маблағлари олиш мақсадида туман ишчи гуруҳига ариза билан мурожаат қилиши лозим бўлади.

Бунда фермер хўжалиги дастлаб ўзининг электрон “рақамли имзо” калити билан “Агросубсидия” ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади.




Фойдаланувчи тизимга киргандан сўнг асосий экрандаги ариза топшириш тугмасини босади ва қуйидаги босқичларда ариза шакллантиради:

- Хизматлар ойнасидан “Сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш” бўлими ва экин тури танланади;



Кейинги ойнада хизмат тури ҳақида умумий маълумотлар пайдо бўлади ва “Хизматдан фойдаланиш тугмаси” босилади.



Шундан сўнг “Агросубсидия” ахборот тизимида келтирилган ариза намунасини тўлдириб, қурувчи пудрат корхонаси билан расмийлаштирилган шартнома, томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжати ҳамда қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги ва технологияни қабул қилиб олиш бўйича қурувчи пудрат корхонаси билан тузилган далолатномани илова қилади.

Туман ишчи гуруҳи фермер хўжалиги томонидан “Агросубсидия” ахборот тизими орқали юборилган аризани ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигини 10 иш куни давомида жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Бунда томчилатиб суғориш тизими ишлатиб кўрилади ва тизимнинг сифат кўрсаткичлари баҳоланади.

“Жума Хаитов” фермер хўжалигида жорий этилган томчилатиб суғориш технологиясининг сифат кўрсаткичлари туман ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган бўлиб, улар қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

## 5-жадвал

**“Жума Хаитов” фермер хўжалигидаги томчилатиб суғориш  
тизимининг сифат кўрсаткичлари (туман ишчи гуруҳи хулосаси  
асосида)**

| <b>Т/р</b> | <b>Тизимнинг таркибий қисмлари</b>                                                       | <b>Сифат кўрсаткичлар</b> |
|------------|------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|
| 1.         | Ҳовуз-тиндиргич                                                                          |                           |
| 1.1        | геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)                                            | 0,1                       |
| 2.         | Насос станцияси (агрегат ва бошқарув панели)                                             | 0,15                      |
| 3.         | Филтрлаш қурилмаси                                                                       |                           |
| 3.1        | гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, дискли филтр ва ўғит бериш мосламаси | 0,35                      |
| 4.         | Бош (магистрал) қувурлар                                                                 |                           |
| 4.1        | қалин деворли (қалинлиги $> 6,0$ мм)                                                     | 0,3                       |
| 5.         | Тарқатувчи қувурлар                                                                      |                           |
| 5.1        | ўртача қалин деворли (қалинлиги 2,5 мм)                                                  | 0,25                      |
| 6.         | Томизғичли суғориш шланглари                                                             |                           |
| 6.1        | юпка деворли (қалинлиги 0,12 мм)                                                         | 0,3                       |
| 7.         | Сув ҳисоблагич                                                                           | 0,1                       |
|            | <b>ЖАМИ</b>                                                                              | <b>1,55</b>               |

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиянинг миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Бунда пахта етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори 8 млн сўм этиб белгиланган.

$$8\,000\,000 * 1,55 = 12\,400\,000$$

Демак, “Жума Хаитов” фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган **1 гектар** пахта майдони учун давлат бюджетидан 12 400 000 (ўн икки миллион тўрт юз минг) сўм миқдорида субсидия ажратилади.

Бунда фермер хўжалигининг томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган 50 гектар пахта майдони учун ажратиладиган субсидия маблағининг умумий миқдори 620 000 000 (олти юз йигирма миллион) сўмни ташкил этмоқда.

$$12\,400\,000 * 50 = 620\,000\,000$$

“Жума Хаитов” фермер хўжалиги томонидан қурувчи пудрат корхонаси билан 50 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун умумий қиймати 1 175 000 000 (бир миллиард бир юз етмиш беш миллион) сўм бўлган (1 гектар учун 23 500 000 сўм) шартнома имзоланган ва ушбу маблағ тўлиқ “Агробанк” АТБнинг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан тўлаб берилган.

Демак, ушбу фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш харажатларининг қарийб **53 фоизи** давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган.

“Жума Хаитов” фермер хўжалиги томонидан жорий қилинган томчилатиб суғориш технологиясининг афзаллиги бош (магистрал) қувурларнинг ер остидан жойлаштирилганлиги ҳисобланади.

Чунки жорий йилда пахта экилган майдонга кейинги йилда бошоқли дон етиштириш режалаштирилган бўлиб, суғориш гидрантларига тарқатувчи қувурлар монтаж қилиниши ва “спринклер” ўрнатиш орқали ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги томонидан пахта етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали ҳар бир гектар учун сарфланадиган сув ресурслари анъанавий суғоришга нисбатан 40 фоизгача иқтисод қилинди.

а) анъанавий суғоришда сарфланадиган сув ресурслари ва ҳисобланадиган сув солиғи базаси қуйидагича, яъни:

Суғоришга сарфланган сув ресурслари –  $50 \text{ га} \times 6\,500 \text{ м}^3 = 325\,000 \text{ м}^3$ ;

Ҳисобланган сув солиғи –  $325\,000 \text{ м}^3 \times 100 = 32\,500\,000 \text{ сўм}$ ;

б) томчилатиб суғориш технологияси орқали сарфланадиган сув ресурслари ва ҳисобланадиган сув солиғи базаси қуйидагича, яъни:

Суғоришга сарфланган сув ресурслари –  $50 \text{ га} \times 3\,900 \text{ м}^3 = 195\,000 \text{ м}^3$ ;

Ҳисобланган сув солиғи –  $195\,000 \text{ м}^3 \times 100 = 19\,500\,000 \text{ сўм}$ ;

Демак, ушбу фермер хўжалиги 50 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали биргина сув солиғининг ўзидан 13 000 000 (ўн уч миллион сўм) фойда қилганини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ушбу фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишда сув ҳисоблагич қурилмаси ўрнатилганлиги сабабли сув солиғидан 30 фоиз чегирма қўлланилади, яъни 50 гектар пахта майдонини суғориш учун сарфланган сув ресурсларига сув солиғи 70 сўмдан ҳисобланади.

Бунда ҳисобланган сув солиғи қуйидагича, яъни:

$$195\,000\text{ м}^3 \times 70 = 13\,650\,000\text{ сўм}$$

Хулоса қилиб айтганда, ушбу фермер хўжалиги томонидан 50 гектар пахта майдонини анъанавий усулда суғориш учун 32 500 000 минг сўм сув солиғи ҳисобланган бўлса, ушбу пахта майдонини томчилатиб суғориш технологияси орқали суғорилганда эса 13 650 000 сўм, яъни анъанавий суғоришга нисбатан 18 850 000 сўм сув солиғи кам ҳисобланган, яъни фермер хўжалиги 50 гектар пахта майдонини томчилатиб суғориш технологияси орқали суғоришда ҳар йили сув солиғининг ўзидан 18 850 000 сўм фойда кўрмоқда.

Кейинги амалий мисолга Қашқадарё вилояти Нишон туманида жойлашган “AGRO GOLD PREMIUM” МЧЖ мисолида картошка етиштиришда марказий айланма ҳаракатланувчи агрегатлар ёрдамида сув етказиб берадиган ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича субсидия ҳисоблаш тизими кўриб чиқилади.

Мазкур қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан 2023 йилда ўз маблағлари ҳисобидан 60 гектар майдонда картошка етиштириш учун марказий айланма ҳаракатланувчи агрегатлар ёрдамида сув етказиб берадиган ёмғирлатиб суғориш тизими жорий этилган.

Жорий қилинган суғориш тизими қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат:

- геомембрана қопламали сув тиндиргич ҳовуз;
- насос агрегати;
- қалин деворли (қалинлиги 6 мм дан ортиқ) бош магистрал қувурлар;
- марказий айланма ҳаракатланувчи агрегатлар ёрдамида сув етказиб берадиган ёмғирлатиб суғориш тизими;
- тизимнинг автоматлаштирилган (масофадан бошқариш имконини берувчи) бошқарув қурилмаси;
- сув ҳисоблагич.

Корхона ушбу тизимни жорий этиш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан субсидия орқали қоплаш мақсадида туман ишчи гуруҳига ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги корхонаси ўзининг электрон рақамли имзо калити орқали “Агросубсидия” ахборот тизимида рўйхатдан ўтади.

Шундан сўнг тизимдаги махсус ариза шаклини тўлдиради ҳамда қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

- ёмғирлатиб суғориш тизими учун эҳтиёт қисмларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- лойиҳа-смета ҳужжати.

Туман ишчи гуруҳи мазкур аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни “Агросубсидия” ахборот тизими орқали қабул қилиб, 10 иш куни ичида жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Текшириш жараёнида тизим амалиётда ишлатиб кўрилади ҳамда сифат кўрсаткичлари баҳоланади.

Туман ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижасида аниқланган ёмғирлатиб суғориш технологиясининг сифат кўрсаткичлари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

**“AGRO GOLD PREMIUM” МЧЖда жорий қилинган ёмғирлатиб  
суғориш тизимининг сифат кўрсаткичлари (туман ишчи гуруҳи  
хулосаси асосида)**

| <b>Т/р</b> | <b>Тизимнинг таркибий қисмлари</b>                                                             | <b>Сифат<br/>кўрсаткичлар</b> |
|------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| 1.         | Ҳовуз-тиндиргич                                                                                |                               |
| 1.1        | геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)                                                  | 0,1                           |
| 2.         | Насос станцияси (агрегат ва бошқарув панели)                                                   | 0,15                          |
| 3.         | Филтрлаш қурилмаси                                                                             |                               |
| 3.1        | гидроциклонли, тозаланиши<br>автоматлаштирилган қумли, дискли филтр<br>ва ўғит бериш мосламаси | 0,35                          |
| 4.         | Сув тарқатувчи тизимлар                                                                        |                               |
| 4.1        | Кенг қамровли суғориш тизими (Center Pivot)                                                    | 0,8                           |
| 6.         | тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви                                                         | 0,15                          |
| 7.         | Сув ҳисоблагич                                                                                 | 0,1                           |
|            | <b>ЖАМИ</b>                                                                                    | <b>1,65</b>                   |

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиянинг миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Бунда картошка етиштиришда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори 8 млн сўм этиб белгиланган.

$$8\,000\,000 * 1,65 = 13\,200\,000$$

Демак, ушбу қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан картошка етиштиришда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинган **1 гектар** майдон учун давлат бюджетида 13 200 000 (ўн уч миллион икки юз минг) сўм миқдорида субсидия ажратилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхонасининг ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинган 60 гектар картошка майдони учун ажратиладиган субсидия маблағининг умумий миқдори 792 000 000 (етти юз тўқсон икки миллион) сўмни ташкил этмоқда.

$$13\,200\,000 * 60 = 792\,000\,000$$

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан картошка етиштиришда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали ҳар бир гектар учун сарфланадиган сув ресурслари анъанавий суғоришга нисбатан 35 фоизгача иқтисод қилинди.

а) анъанавий суғоришда сарфланадиган сув ресурслари ва ҳисобланадиган сув солиғи базаси қуйидагича, яъни:

Суғоришга сарфланган сув ресурслари –  $60\text{ га} \times 13\,600\text{ м}^3 = 816\,000\text{ м}^3$ ;

Ҳисобланган сув солиғи –  $816\,000\text{ м}^3 \times 100 = 81\,600\,000\text{ сўм}$ ;

б) ёмғирлатиб суғориш технологияси орқали сарфланадиган сув ресурслари ва ҳисобланадиган сув солиғи базаси қуйидагича, яъни:

Суғоришга сарфланган сув ресурслари –  $60\text{ га} \times 8\,840\text{ м}^3 = 530\,400\text{ м}^3$ ;

Ҳисобланган сув солиғи –  $530\,400\text{ м}^3 \times 100 = 53\,040\,000\text{ сўм}$ ;

Демак, ушбу қишлоқ хўжалиги корхонаси 60 гектар картошка майдонида ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали биргина сув солиғининг ўзидан 28 560 000 (йигирма саккиз миллион беш юз олтиш минг сўм) фойда қилганини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ушбу қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилишда сув ҳисоблагич қурилмасини ўрнатилганлиги сабабли, сув солиғидан 30 фоиз чегирма қўлланилади, яъни 60 гектар картошка майдонини суғориш учун сарфланган сув ресурсларига сув солиғи 70 сўмдан ҳисобланади.

Бунда ҳисобланган сув солиғи қуйидагича, яъни:

$$530\,400\text{ м}^3 \times 70 = 37\,128\,000\text{ сўм}$$

Хулоса қилиб айтганда, «AGRO GOLD RREMIUM» МЧЖ томонидан 60 гектар картошка майдонини анъанавий усулда суғориш учун 81 600 000 минг сўм сув солиғи ҳисобланган бўлса, ушбу картошка майдонини ёмғирлатиб суғориш технологияси орқали суғорилганда эса 37 128 000 сўм, яъни анъанавий суғоришга нисбатан 44 472 000 сўм сув солиғи кам ҳисобланган, яъни қишлоқ хўжалиги корхонаси 60 гектар картошка майдонини ёмғирлатиб суғориш технологияси орқали суғоришда ҳар йили сув солиғининг ўзидан 44 472 000 сўм фойда кўрмоқда.

Бундан ташқари, сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган экин майдонлар тизим жорий қилинган санадан бошлаб беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинади.

Сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий қилишда давлат бюджетидан субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган суғориш тизимидан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

Сув тежовчи суғориш технологияси жорий қилинган майдонга

лойиҳада белгиланган экиндан бошқа экин жойлаштирилганда, ушбу экинни суғоришда мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологиясидан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда, унинг асосий қисмидан (сув тиндиргич, насос станцияси, фильтрлар, сувни етказувчи ва тақсимловчи қувур тармоғи ва бошқа асосий қисмларидан) фойдаланиш лозим бўлади.

Бунда мавжуд сув тежайдиган суғориш технологиясини ишлатмай, анъанавий (экин майдонида ўқ ариқ ва шох ариқлар олиб, эгат билан) суғоришга йўл қўйилмайди.

Сув тежовчи суғориш технологияси экилган экинни суғориш учун эҳтиёж бўлмаганда, электр энергияси ва сув таъминотида узилишлар бўлганда, уни таъмирлаш даврида, шунингдек, бошқа форс-мажор ҳолатларда вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Агар жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларидан ёки унинг асосий қисмларидан суғориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия маблағининг:

иккинчи йилдан фойдаланилмас — субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йилдан фойдаланилмас — субсидиянинг 60 фоизи;

тўртинчи йилдан фойдаланилмас — субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йилдан фойдаланилмас — субсидиянинг 20 фоизи субсидия маблағини ажратган вазирлик ёки идорага ихтиёрий равишда қайтарилиши лозим.

Давлат бюджетидан субсидия олиб жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи гуруҳи Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ҳамда жамоатчилик томонидан олиб борилади.

## **2.2. Экин ерларни лазерли ускуна билан жиҳозланган агрегатлар орқали текислаш тартиби ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби**

Суғориладиган экин майдонларни лазерли текислаш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ерларни лазерли текислаш натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш сувдан ва минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга механизация воситаларидан юқори унум билан фойдаланишга имконият яратади.

Лазерли текисланган майдонларда сув бир текис тарқалиб, тупроқнинг бир ҳил намланишини таъминлайди, суғоришга сув нисбатан камроқ сарфланиб, суғориш вақти қисқаради, натижада сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги ортади, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни комплекс механизациялаштириш имконияти яратилади.

Лазерли текисланган далаларга уруғ экилганда улар бир хил чуқурликка сифатли қилиб экилади, униб чиққан кўчатлар бир текис сув ичади, сувдан кейин ер бир вақтда етилади, қатор ораларига бир вақтда ишлов бериш имконияти пайдо бўлади. Натижада экинлар бир хил униб чиқиб, ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади.

Аксинча, текисланмаган майдонларда экинларни суғориш учун сарфланадиган сув ресурслари суғориш меъёрига нисбатан 15–20 фоизгача ортиқ бўлади. Ернинг пастлик жойларида сувнинг чуқурликка сизиши оқибатида унинг бекорга сарф бўлишидан ташқари, эгат пуштасини сув босади, қалин қатқалоқ ҳосил бўлади, тупроқнинг ҳаво ва иссиқлик тартибининг бузилишига олиб келади.

### **Суғориладиган ерларни текислашга қўйиладиган талаблар**

Ерларни лазерли текислашда ернинг рельефи (нишаблиги), суғориш усули ва техникаси, етиштириладиган экин тури ва тупроқ шароитини ҳисобга олиш зарур.

Суғориладиган майдонлар учун энг яхши текислик деб участка бир хил қияликка эга бўлиши ва эгатларда тупроқнинг ювилиши минимал даражагача тушишига айтилади.

Суғориладиган ерларни лазерли текислашда ерларнинг баланд-пастлиги лойиҳада кўзда тутилгандан 5 см баланд ёки паст бўлишига йўл қўйилади.

Суғориладиган майдонларни лазерли текислаш вақтида тупроқнинг зичлашиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун ер етилган вақтида, яъни унинг намлиги 15-16 фоизга тушганда машиналарни бир марта юргизиш йўли билан текислаш, агар майдоннинг рельефи мураккаб характерда бўлса, машиналарни бир издан икки мартагина юргизиб текислаш тавсия этилади.

Даланинг баланд-пастлигига қараб биринчи текислашни диагональ йўналишда ёки диагональ кўндаланг йўналишда, иккинчи текислашни суғориш йўналишига қараб амалга ошириш лозим. Агрегет қайтадиган жойларда тупроқнинг қотиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Шунингдек, экинларни етиштириш учун суғориладиган ерларни текислашда қуйидаги (7-8-жадваллар) асосий (шартларни таъминлаш) талабларга жавоб бериш зарур.

**Суғориладиган майдонларни лазерли текислашга қўйиладиган асосий талаблар**

| №  | Техник шартлар ва агротехник талабларнинг мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Текислаш ишлари тупроқ унумдорлиги (гумус қатлами)ни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш. Унумдорлиги паст ва тошлоқ қисми ер юзига яқин жойлашган тупроқлардан ташқари тупроқларни 15 см қатламгача кесишга рухсат этилади. Тупроқнинг 15 см дан ортиқ кесиладиган майдони умумий текисланаётган майдоннинг 10 % идан ошмаган ва мураккаб рельефли майдонларда рухсат этилади. Агар бу ҳолат 10 % дан кўп бўлган ҳолларда тупроқнинг унумдор устки қатлами кесиб олиб қўйилса, ерни тўлиқ текислаб бўлгандан сўнг унумдор қатламни жойига қайтариш тавсия этилади. |
| 2. | Ёз-куз даврларида асосий ер текислаш ишлари ўтказилаётганда тупроқнинг намлиги паст бўлса (3-6 %), тупроқ юзасини 8-10 % гача намлаш тавсия этилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 3. | Ҳайдалма қатламнинг қотиб кетишининг олдини олиш мақсадида тупроқ юзасини охири пардозлаш-текислаш ишларини тупроқ етилган (намлиги 15-16 % бўлган)да бир марта ўтиш, икки марта ва мураккаб рельефли далаларда истисно тариқасида уч марта ўтиш орқали бажариш керак.                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
| 4. | Охири ер юзини пардозлаш-текислашда текислагични ҳаракат йўналиши суғоришнинг йўналишига мос бўлиши керак.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
| 5. | Бурилиш майдончаларида тупроқнинг уюлиб қолишига рухсат этилмайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
| 6. | Дала юзасининг текисланганлик даражаси лойиҳада кўрсатилгандан оғиши $\pm 5$ см дан ошмаслиги керак.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 7. | <p>Эгатлаб суғориш учун тайёрланган майдон юзаси бўйламасига бир хил нишабликка эга бўлиши керак. Эгатлаб суғоришда сув ўзани бўйлаб тупроқ эрозияси сезилмайдиган даражада қияликка рухсат этилади. Бунда нисбатан кичик ўлчамли ва мураккаб рельефли майдонларда суғориш эгатининг узунлиги кўпи билан 100–150 м бўлишига, текис рельефли майдонларда эса суғориш эгатларининг узунлиги тупроқнинг механик таркибини ҳисобга олиб –300–400 м бўлишига рухсат этилади.</p> <p>Ўрта механик таркибли тупроқлар учун бўйлама қиялик 0,002–0,008 оралиғи бўлиши тавсия этилади. Суғориш тизимини тузишда зарур бўлган кўндаланг қиялик –0,003–0,004 дан ошмаслиги керак. Қўриқ ва бўз ерларни текислашда, суғориладиган майдонлар юзасининг қиялиги текислангандан сўнг –0,01 дан ортиқ, қумлоқ ва майда қумоқ тупроқлар учун –0,02, қовушқоқ тупроқлар учун 0,0002–0,0003 дан кам бўлмаслиги зарур.</p> |
| 8. | <p>Суғориладиган ер майдони юзаси текислангандан сўнг 20–25 см чуқурликда ҳайдаш ёки ерни юмшатиш зарур.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |

8-жадвал

### Суғориладиган ерларни лазерли текислаш ишлари қўйиладиган шартлар ва агротехник талаблар

| №  | Техник шартлар ва агротехник талабларнинг мазмуни                                                                               |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Суғориладиган майдондан тўлиқроқ фойдаланиш.                                                                                    |
| 2. | Суғорилаётган майдонда тупроқнинг бир текисда намланиши, сув исрофгарчилиги энг кам бўлганда суғоришда иш унумдорлигини ошириш. |
| 3. | Сув исрофгарчилиги энг кам бўлганда суғоришда иш унумдорлигини ошириб қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш.                     |
| 4. | Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда юқори меҳнат унумдорлиги.                                                                |
| 5. | Маҳсулот таннархини камайтириш.                                                                                                 |
| 6. | Суғоришда тупроқ шўрланишинг олдини олиш ва унга қарши кураш.                                                                   |
| 7. | Ҳосилдорликни ошириш.                                                                                                           |

## Лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатларини харид қилишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Экин майдонларида лазерли текислаш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан қуйидаги имтиёзлар қўлланилади.

Барча турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари учун хориждан олиб келинган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

Ушбу субсидия маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан қуйидаги схемага асосан ажратиб берилади.

### Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидияларни ажратиш

#### СХЕМАСИ

| Босқичлар                                                                                    | Масъул ижрочилар, амалга ошириш механизми                                                                                                                                                             | Муддатлар         |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|
| Лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегати қийматининг 30 фоизи миқдорида субсидия ажратиш |                                                                                                                                                                                                       |                   |
| 1-босқич                                                                                     | Харидор олди-сотди тўғрисидаги шартномани тузганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ лазерли агрегатини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ёки хорижий ташкилотларга агрегатнинг тўлиқ қийматини тўлаб беради. | Шартномага асосан |

|                 |                                                                                                                                                                                                                                           |                        |
|-----------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|
|                 |                                                                                                                                                                                                                                           |                        |
| <b>2-босқич</b> | Харидор шартнома шартларига мувофиқ лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматини 30 фоизи миқдорида субсидия олиш учун Жамғармага тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.                                                         | Харидор ихтиёрига кўра |
| <b>3-босқич</b> | Жамғарма субсидия ажратиш учун харидор томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади.                                                                                                                                                 | 5 иш куни давомида     |
| <b>4-босқич</b> | Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, Жамғарма лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи миқдоридаги субсидияни харидорнинг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали ажратади. | 5 иш куни давомида     |

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналари қўйида келтирилган намуна бўйича ариза бериши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия  
вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат  
томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига**

**Сотиб олинган лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари  
қийматининг 30 фоизини қоплашга субсидия олиш учун**

**АРИЗА**

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи)

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй рақами, телефон рақами)

Рўйхатдан ўтказилган манзил: \_\_\_\_\_

Гувоҳнома рақами: \_\_\_\_\_

(гувоҳнома рақами, берилган санаси ва уни берган орган)

(ариза берувчи раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О.)

«\_\_\_\_\_» корхонасидан 202\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_да  
тузилган № \_\_\_\_\_ рақамли лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатининг  
олди-сотди шартномасига асосан \_\_\_\_\_ (сумма сўз билан  
ёзилади) Эга сотиб олинган «\_\_\_\_\_» лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари  
қийматининг \_\_\_\_\_ 30 фоизини қоплаш учун белгиланган тартибда субсидия ажратилишини  
сўрайман.

Харид қилинган лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатининг \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ бўйича ҳужжатлари \_\_\_\_\_ варақда илова қилинади.

**Манзили:**

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй рақами, телефон, электрон почта манзили)

**Хизмат кўрсатувчи банк  
номи:**

**СТИР:**

**Банк коди:**

**Асосий ҳисобварағи:**

(имзо)

(аризачининг лавозими, Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи миқдорида субсидия олиш учун аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади.

– лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатини олди-сотди шартномаси ёки шартнома (кредит шартларида харид қилинганда), ҳисоб-фактура, тўлов ҳужжати нусхаси;

– Худудий агроинспекция бўлимларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги “техник гувоҳнома” нусхаси.

### **2.3. Сув тежовчи технологияларни молиялаштиришнинг рақамлаштирилган механизми**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги **“Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ–5-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий суғориш технологияларини кенг жорий қилиш учун пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига мақсадли кредитлар ажратиш тизими жорий этилди.

Ушбу молиявий механизмни амалга оширишда “Агробанк” АТБ етакчи банк сифатида қатнашиб, тадбиркорларга кредит маблағларини ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларга маслаҳат ёрдами кўрсатишда фаол иштирок этмоқда.

Молиявий жараёнларни рақамлаштириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида **“suvkredit.uz”** электрон платформаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформа орқали фермерлар ва кластерлар онлайн тарзда мурожаат юборишлари, зарур ҳужжатларни юклашлари

ва давлат томонидан белгиланган тартибда кредитлардан фойдаланишлари мумкин.

Тизимнинг жорий этилиши мамлакатда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сув танқислиги хавфини камайтириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

### 3. “SUVKREDIT.UZ” ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ТАРТИБИ

---

**“Suvkredit.uz” онлайн электрон платформаси орқали давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчиларга кредит ажратишнинг умумий шартлари:**

- 5 йил муддатга;
- 2 йиллик имтиёзли давр билан;
- йиллик 14 устама фоизда;
- Кредит таъминотининг 70 фоизи суғурта компанияларининг кредит қайтмаслик хатаридан суғурта полиси, 50 фоизи эса “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ кафиллиги асосида ажратилади.

**Бунда таъминотчи (пудратчи) корхоналарга қўйилган талаблар қуйидагича:**

- Сув тежовчи суғориш технологиялари фақат ишчи лойиҳалар асосида қурилиши;
- Ҳар бир лойиҳа бўйича камида 2 йиллик кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатилиши.

**“Suvkredit.uz” электрон платформаси орқали ҳужжатларни расмийлаштириш ва кредит ажратиш механизми қуйидаги босқичлардан иборат:**

1. Қарз олувчи “Suvkredit.uz” сайтига кирази ва бош саҳифадаги “Ариза юбориш” тугмасини босади;
2. Сўнгра солиқ тўловчининг идентификация рақамини ҳамда гувоҳнома санасини киритади;
3. Тизим дастлабки маълумотлар асосида автоматик тарзда зарур қаторларни тўлдиради ҳамда қарз олувчининг телефон

рақамини киритиш сўралади.

4. Телефон рақамга “Agrozamin O‘zimizniki” платформасидан келган СМС код талаб этилган қаторга киритилади ҳамда тасдиқлаш тугмаси босилади.

5. “Давом этиш” тугмасини босиш орқали “Кредит маълумотлари” саҳифасига ўтилади.

6. Контурлар танланиб, сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинадиган майдон киритилади.

7. “Экин тури”, “Суғориш тури”, “Кредит таъминоти”, “Суғурта тўлови манбаси” ва “Сув тежовчи тизимини жорий қилиш қиймати” тўғрисидаги маълумотлар киритилади ҳамда “Аризани тайёрлаш” тугмаси босилади.

8. Шакллантирилган ариза электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида имзоланади.

9. “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари “Тайёрлаш” тугмасини босиш орқали “Аризани ўрганиб чиқиш” ойнасига ўтади.

10. “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари “Майдонда электр энергияси мавжудлиги”, “Доимий сув таъминоти” ва “Қўшимча маълумотлар” устунларини тўлдириб, майдоннинг 4 дона фотосуратини жойлаштириш орқали ўзининг хулосасини шакллантиради ҳамда имзолайди (ЭРИ).

11. Қарз олувчи шахсий кабинети ёки ариза ҳолатини текшириш саҳифасидаги “Таъминотчига ўтиш” тугмасини босиш орқали “Agrozamin O‘zimizniki” платформасига ўтади.

12. Қарз олувчи ўзига маъқул таъминотчини танлаб, “Кредитга сотиб олиш” тугмасини босади ҳамда “Буюртма бериш” тугмаси орқали таъминотчига буюртма жўнатади.

13. Таъминотчи “Agrozamin O‘zimizniki” платформаси орқали келган буюртмани ўрганиб чиқади ва буюртма учун “Ишчи лойиҳа” ҳужжатларини тайёрлаб тизимга юклайди.

14. Таъминотчи “Agrozamin O‘zimizniki” платформасидаги

“Келишувлар” бўлимида “Шартнома тузиш” тугмасини босади, шартномани яратади ҳамда уни имзолайди (ЭРИ).

15. Қарз олувчи таъминотчи томонидан имзоланган шартномани “Agrozamin O‘zimizniki” платформасидаги “Келишувлар” бўлимида имзолайди (ЭРИ).

16. Банк филиали ходими тизимда кредит комиссия йиғилиш баёнини яратади ҳамда комиссия аъзолари томонидан имзоланади (ЭРИ).

17. Банк филиали ходими тизимда кредит шартномасини яратади ҳамда бошқарувчи томонидан имзоланади (ЭРИ).

18. Қарз олувчи ҳам тизимга кириш орқали кредит шартномасини имзолайди (ЭРИ).

19. Қарз олувчи “Suvkredit.uz” тизимидаги шахсий кабинети орқали “Суғурта шартнома”си бўлимидан “Суғурталаш аризаси” устунидаги “Қўшиш” тугмасини босади, ариза тайёрлайди ҳамда имзолайди (ЭРИ).

20. Суғурта компанияси масъул ходими “Suvkredit.uz” тизимида суғурта шартномасини тайёрлайди ва имзолайди (ЭРИ).

21. Қарз олувчи ва Банк бошқарувчиси ўзларининг “Suvkredit.uz” тизимидаги кабинетлари орқали суғурта шартномасини имзолайдилар.

22. Суғурта компанияси масъул ходими “Suvkredit.uz” тизимида суғурта полисини яратади ҳамда имзолайди (ЭРИ).

23. Қарз олувчи шахсий кабинетидаги “Кредит ажратилиши” модулидан электрон тўлов топшириқнома шакллантиради ва имзолайди.

24. Пудратчи ўрнатиш ишларини якунлагандан сўнг қарз олувчи, пудратчи, туман “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбари ҳамда банк бошқарувчиси сув тежовчи технологияларни ўрнатилганлиги бўйича “Топшириш-қабул қилиш далолатномаси”ни имзолайдилар (ЭРИ).

Сайт тест режимида ишлатмоқда

Поликоҳ ҳақида Банк маҳсулотлари Agrobank Зиле томонидан


 Сил билан чат  USD 12947.20  17°C Тип: Ўзбекча

 [Ариза босқичлари](#) [Таъсиялар](#) [Калькулятор](#) [Савол-Жавоб](#) [Бопланиш](#)  [Кириш](#)

## Сув тежовчи технологияларни жорий қилишни молиялаштириш

[Ариза юбориш](#) [Аризани текшириш](#)





### Сервис ҳақида

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

---

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги бутун дунёда кузатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда сув ҳажми камайиб, қишлоқ хўжалигида сувга бўлган талаб ортиб бормоқда. Маълумки, мамлакатда фойдаланиладиган сув захирасининг 85-90 фоизи аграр сектор улушига тўғри келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш жуда долзарб вазифага айланди. Бу шароитда экин майдонларини суғоришда замонавий сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш объектив заруратдир.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган суғориш технологияларини татбиқ этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суғоришда инновацион усулларни қўллаган кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида субсидиялар ажратиш, солиқ имтиёзлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилди. Бундай кўмак натижасида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳажми ошди. Тажиба шуни кўрсатмоқдаки, томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш каби замонавий тизимлар анъанавий усулларга нисбатан сув сарфини 35-60 фоизгача камайтиради ҳамда ҳосилдорликни 30-40 фоизгача оширади. Шу билан бирга, мазкур технологияларни жорий этиш фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширади – суғориш харажатлари сезиларли даражада тежалади. Масалан, 50 гектар пахта ер майдонини анъанавий усулда суғориш учун тахминан 32,5 млн \$ сув солиғи тўланиши лозим бўлса, томчилатиб суғориш жорий этилганда бу кўрсаткич 13,65 млн \$ гача тушади (яъни қарийб 60% маблағ тежалади).

Сув тежамкор технологияларни жорий этиш жараёнларини молиялаштириш ва талабгорларга етказиб бериш бугунги кунда янада соддалаштирилган. Хусусан, субсидия ажратиш **«Агросубсидия»** ахборот тизими орқали, имтиёзли мақсадли кредитлар ажратиш эса **«Suvkredit.uz»** онлайн платформаси орқали ташкил этилмоқда. Бу электрон механизмлар жараёнларнинг шаффоф ва тезкор бўлишини таъминлади. Шунингдек, «Ўзбекистон – 2030» Стратегиясида келгуси йилларда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш усуллари қамраб олган майдонларни янада кенгайтириш вазифаси белгиланган. Бу каби чоралар мамлакатимизда сувни тежаш масаласи давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Демак, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун замонавий суғориш технологияларини кенг жорий этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш зарур.

**Фермер ва деҳқон хўжаликлари** ўз ер майдонларида замонавий сув тежамкор суғориш технологияларини (томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа усуллар) кенг жорий этишлари тавсия этилади. Инновацион суғориш усуллари сув сарфини сезиларли даражада камайтиради, ҳосилдорликни оширади ва экинларнинг сув танқислигига чидамлилигини кучайтиради.

Сув тежовчи тизимлар самарадорлигини ошириш учун ер майдонларини лазерли текислагичлар ёрдамида текислаш ҳамда суғориш жараёнини илмий асосланган меъёрлар бўйича ташкил этиш зарур. Текисланган далаларда томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш тизимлари янада самарали ишлайди, сув ҳар бир қатламига бирхил тақсимланиб, ресурслар тежаллади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сон қарори.

4. Маматов С.А. Томчилатиб суғориш тизими / САНИИРИ. МЧЖ «Меҳридарё», – Тошкент, 2012. 79 б.

5. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари ва сув тежамкор суғориш технологиялари [Матн] : илмий нашр «Агробанк» АТБ. – Тошкент: «ТАСВИР» нашриёт уйи, 2021 - 48 б.

ИСМИТИ. Томчилатиб суғориш тизимида сув тиндиргич ҳовузнинг ўлчамлари, фойдаланиладиган суғориш ленталари ва улардан фойдаланишда мақбул узунликларни танлаш бўйича тавсиялар. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти. Тошкент, 2022 й. 28 б. (<https://akiskr.uz/pdf/20230601162421.pdf>)

6. ШНҚ 2.06.03-12. “Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари”. ЎЗР Давархитекткурилиш. – Тошкент, 2012 й. – 60 б.

7. Хамидов М.Х., Бегматов И.А., Исаев С.Х., Маматов С.А. Сув тежамкор суғориш технологиялари, Олий ўқув юртлари учун ўқув

қўлланма / ТИМИ – Тошкент, 2014 - 178 б.

8. Хамраев Ш., Маматов С., Бурхонжонов Б. Томорқани томчилатиб суғориш микротизими (аҳоли томорқаларида экинларни парваришlashда фойдаланиш учун қўлланма) / – Тошкент, 2020. – 32 б.

9. Пулатов Я.Э. Рекомендации по применению технологии капельного орошения сельскохозяйственных культур. – Душанбе, 2014. – С96.

Система капельного полива в Ташкенте. <https://flagma.uz/ru/products/tashkent>.

<https://lex.uz/> веб-саҳифаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

<https://suvtomchi.uz/> веб-саҳифаси тренинг материаллари.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single page of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, leaving small margins at the top and bottom. There are no vertical margin lines, and the page is completely blank except for the lines themselves.

**C 95**

Сув тежашни қўллаб-қувватлаш [Матн]. – Тошкент:

**O'qituvchi nashriyoti, 2025. – 64 б.**

**ISBN: 978-9910-8044-4-1**

**КБК 40.62+26.35**

**УЎК 631.67.03(575.1)(072)**

**Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси “Агробанк” АТБ**

**Сув китоб тўплами**

**Сув тежашни қўллаб-қувватлаш**

**5-китоб**

**Муҳаррир-мусахҳиҳ**

Ш. Бекназарова

**Саҳифаловчилар:**

Ш.Одилов, А.Камилов

**Дизайн**

С.Дониёров

“O'qituvchi” нашриёти

Тошкент – 2025

Нашриёт лицензияси: № 611547.

Босишга \_\_.\_\_.2025 да рухсат этилди.

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. ALS Agrofont гарнитураси.


Офсет босма усулида чоп этилди.

Адади 2000 нусха.

Буюртма рақами \_\_\_\_\_.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1<sup>А</sup>.



# “Сувчилар мактаби”

орқали замонавий сув тежамкор  
технологиялар бўйича хорижий  
билимларга эга бўлинг



☎ 1319

📷 suvchilar\_maktabi

🌐 suvchimaktabi.uz

📍 suvchilar\_maktabi

☎ 1216  
🌐 agrobank.uz  
📍 @agrobankchannel  
📘 /agrobankuzbekistan  
📷 agrobank\_uz

